

# «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Халқ Депутатлари Косонсой тумани  
Кенгашин раиси

Д.Кадиров

2024 йил 22 феврал

Косонсой туман ҳокимлигига жамоатчилик фикри асосида  
тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини  
мониторинг килиш бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 1

2024 йил 22 феврал

Косонсой тумани

Йиғилиш раиси:

Д.Кадиров

Иштирок этди:

ишчи комиссия аъзолари;

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман ҳокимининг курилиш масалалари бўйича ўринбосари, маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи, Халқ депутатлари туман Кенгashi котибияти раҳбари, иқтисодиёт ва мolia бўлими бошлиғи, мактаб ва мактабгача таълим бўлими мудири, тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, иқтисодиёт ва мolia бўлими ҳодими (модератор) ва бошқалар

## КУН ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5072-сон қарори ижроси таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт ва Мolia вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот порталига 2024 йил 22 февралдан 11 марта гача Косонсой туманида жамоатчилик фикри асосида порталда шаклланган тадбирларни Низомда белгиланган тартибларга мослигини ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш, хуноса бериш ва тадбирларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаш тўғрисида

(Д.Кадиров, Э.Тоипулатов, А.Худайбердиев, Х.Хайдаров, К.Мирахмедов, Д.Валиева, Ю.Камалов, Ф.Хафизов,  
Б.Бобохонов, Р.Каримова, М.Нуриддинов, Р.Максудов))

Йиғилишда Косонсой туман ҳокими Д.Кадиров сўзга чиқиб, Косонсой туманида 2023 йил 2 мавсумида голиб деб топилган лойихаларга жами 6475.0 млн.сўм, 2024 йил 1 мавсумда бюджет параметларидан ажратилган маблағларнинг 2.5 фоизи 11509.7 млн.сўм ҳамда ташабbusли бюджет

жамгармасида колдик маблаглари 2481,9 млн.сўм ва “менинг йулим” жамгармасидан 2000,0 млн сум бўлиб, жами 19150,8 млн.сўм маблаглар туман хокимлигида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари шаклида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамгармаси” шахсий газна хисоб варагига белгиланган тартибда ўтказилганини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, сўз туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиги (Ю.Камалов)га берилди ва йиғилиши иштирокчиларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон қарори тасдиқлангандан сўнг Олий Мажлис Сенатининг 2024 йил 30 январдаги КҚ-666-IV-сон қарорига асосан “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида”ги намунавий Низоми тасдиқланганлиги тушунтириб ўтилди.

Хамда қабул қилинган қарор ва Низомга қўра, жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантиришнинг янги тартиби жорий этилганлигини инобатта олиб, Давлат бюджети ижроси юзасидан маълумотларни фуқароларга сифатли тарзда ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот порталининг янги талқини ишга туширилгани, бу орқали туманимизда 2024 йил 1 феврал кунидан 20 феврал кунигача бўлган 20 кун муддатда жами фуқаролар томонидан 202 та таклифлар келиб тушган. Шундан 74 та Ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар, 1 та Болалар майдончаларини (ўйингоҳларини) барпо этиш ёки таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар, 8 та Бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари, 22 та Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар, 21 та Кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш (трансформатор, симёғоч ўрнатиш) тадбирлари, 17 та Конун хужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирлар, 1 та Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари, 16 та Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа обьектлар) ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ харажатлар, 8 та Соғлиқни саклаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари, 2 та Спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари, 29 та Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари, 1 та Ахоли дам олиш масканларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, 2 та Дренаж ва ариқ (зовур) ларни тартибга келтириш билан боғлиқ тадбирлар, 1 та Қабристонларни тартибга келтириш тадбирлари, 1 та Мусика ва мактабдан ташқари ташкилотларни таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлари лойиҳаларга таклифлар Косонсой тумани ахолиси томонидан очиқ бюджет ([openbudgrt.uz](http://openbudgrt.uz)) сайтига берилганлигини таъкидлаб ўтди.

Ушбу таклифлар соҳаларга ажратилиб тадбирларни низомда белгиланган тартибларга мослигини ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш, хуласа бериш ва тадбирларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун ишчи комиссия аъзоларига тақдим этилди.

Косонсой туманида “Очиқ бюджет” ахборот порталида ишлашни ташкил этиш таклифларга аниқлик киритиш ва хуласалар бериш бўйича:

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2024 йил 30 январдаги “Ташабbusli бюджет жараёнларини утказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиклаш тўғрисида”ги КҚ-666-IV-сон қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Косонсой тумани иқтисодиёт ва молия бўлими (модератор)нинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлигининг [openbudget.uz](http://openbudget.uz) расмий веб сайтидан олинган туманга тегишли 202 та таклифлар маълумот учун қабул қилинсин.

Ишчи комиссия аъзолари ўзларига тегишли таклифлар бўйича берилган хуласалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (Ю.Камалов) “Очиқ бюджет” ахборот порталида Косонсой туман фуқаролари томонидан берилган таклифларни соҳалар кесимида саралаб олиб тегишлиларга хат орқали етказилишини таъминласин;

4. Ишчи гурӯҳ аъзолари (А.Худайбердиев, Х.Хайдаров, К.Мирахмедов, Д.Валиева, Ю.Камалов, Ф.Хафизов, Б.Бобохонов, Р.Каримова, М.Нуриддинов, Р.Максудов)лар ўз соҳаларига тегишли бўлган таклифларни белгиланган муддатда тўлиқ ўрганиб чиқиб натижаси бўйича ўз хуласаларини тақдим этсинлар;

5. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиги (Ю.Камалов)га

-“Очиқ бюджет” ахборот порталида Косонсой туман фуқаролари томонидан берилган таклифларни белгиланган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда, ишчи гурӯҳ хуласасига асосан саралаб олинган таклифларни уч иш куни муддатида “Очиқ бюджет” ахборот порталида танлаб олинган ҳамда рад этилган таклиф муаллифларининг шахсий кабинетига хабарнома юбориш;

-туманинг ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган ёки бюджетдан маблағ ажратилиши кўзда тутилган тадбирлар, бир бирини такрорловчи таклифлар ва бошқа сабабларга қўра соҳаларнинг берган хуласаларига асосан қайтариш;

-туманда очик бюджет жамғармасига йүнәлтириш лозим бўлган маблағларга  
ниебатан қазрдорликка йўл қўймаслик чорасини кўриш;

-жорий йил 12 мартадан 31 марта қадар овоз бериш жараёнини самарали  
ташкил этилсин.

6. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Р.Темиров)га мазкур йиғилиш баёни  
“Очиқ бюджет” ахборот порталаига ҳамда туман ҳокимлиги ахборот веб сайтига  
жамоатчилик учун жойлаштирилсин.

7. Мазкур йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг  
биринчи ўринбосари ишчи гурух раиси Э.Тошпулатов зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирувчи



Р.Ахмедов